

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аҳолининг китобхонлик даражасини янада ошириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оммалаштириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жамиятимизда ўзига хос мутолаа маданияти ривожланмоқда. Китобнинг тарбия, айниқса, инсоннинг маънавий қиёфасини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Моҳиятан, айнан инсонни тарбиялаш мақсадларига қаратилган ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига китоб ўқишга жалб қилиш орқали маҳкумларни ахлоқон тузатиш бўйича янги 74¹-модда киритилмоқда. Унга кўра, фақат жазо муддатини тўлиқ ўташи лозим бўлган маҳкумларга нисбатан тасдиқланган рўйхат бўйича 1 та китоб ўқиган ва белгиланган тартибда имтиҳон топширган тақдирда, жазосини 3 кунга қисқартириш, бироқ бир йилда кўпи билан ўттиз кунгача қисқартирилиши на-

зарда тутилмоқда.

Шунингдек, тузалиш йўлига ўтганини тасдиқловчи ҳаракатларни бажариши муносабати билан жазо муддатини қисқартиришнинг процессуал тартиблари ҳамда зарур бўлган адабиётлар билан таъминлаш белгиланмоқда. Бундан ташқари, маҳкумнинг китоб ўқигани фактини тасдиқлаш бўйича жавобгарлик комиссияси тузилиб, унинг назоратида имтиҳон (тест синови) топшириш орқали амалга оширилиши ҳамда комиссия йўғилиши йилига камида икки марта ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳкумларни ахлоқон тузатиш, уларда жамият қоидаларига нисбатан тасдиқланган рўйхат бўйича 1 та китоб ўқиган ва белгиланган тартибда имтиҳон топширган тақдирда, жазосини 3 кунга қисқартириш, бироқ бир йилда кўпи билан ўттиз кунгача қисқартирилиши на-

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари билан қамраб олиш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатишнинг ижтимоий адолат мезонига асосланган тизимни жорий қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.


Мазкур қонун лойиҳаси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиш тўғрисидаги аризалардаги имзолари, агар "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томо-

нидан ҳақиқийлиги текширилган бўлса, нотариал шаҳодатлаш талаб этилмаслиги назарда тутилмоқда.

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ариза берувчиларнинг уларнинг розилиги асосида банк синини ташкил этувчи маълумотларини ахборот тизими орқали электрон тарзда олишга ва ишлов беришга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи томонидан эҳтиёжман аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш орқали давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзиллигини таъминлашга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Шунингдек, мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам жабрланувчи ҳуқуқлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди.

Шу билан бирга, жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги самарали институтини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Қонун лойиҳа билан Маъ-

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

ПОЙТАХТ МАМЛАКАТДА БЎЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ ЎЗИДА ЁРҚИН ИФОДА ЭТАВЕРАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Педагоглар билан мулоқот чоғида болаларнинг қобилиятини тўғри шакллантириш, касбий таълимни ривожлантириб, битирувчиларни касб-хунарли қилиб ҳаётга йўллаш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, ахборот технологиялари, робототехника, муҳандислик каби йўналишларни кенгайтириш, ўсмирларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Маҳалладаги янги уйлarning биринчи қаватларида иккита хусусий боғча ташкил этилган. Уларнинг Наврўз арафасида очилгани ота-онalar учун байрамона туҳфа бўлди.

Ички имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш тамойили бу маҳаллада ҳам намойён. 70 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 та ишлаб чиқариш корхонасида кўпчилик рўзгор тебратаяпти. Президентимиз фармойиши билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш қизғин давом этмоқда.

"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилида

кўчат экиб, яшиллик яратиш кўлами кенгайди. Пойтахтимизнинг Бектемир туманида яна бир боққа асос солинди.

Президентимиз давлат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ерда кўчат экди.

Ийкота, Мажнунто, Зилола, Роҳат ва Иқбол маҳаллалари орасидаги бу ҳудуд аввал қаровсиз жой эди. Эълнинг бирлиги билан яна бир яшил макон, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган парк пайдо бўлмоқда. Уч гектарлик ҳудудга ўрмон концепцияси асосида уч минг туп даррахт ва бута кўчатлари экилди. Уларнинг суғорилиши ва парваришига масъуллар бириктирилди.

Маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакилларига ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди. Барчани кириб келаётган Наврўз байрами билан табриклади.

Президент ташаббуси билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида маҳаллаларда деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари сафарбарлик билан олиб берилмоқда.

Баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, суғоришни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги боғда экилган кўчатлар ана шу эзгу амалнинг давоми бўлди.

"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили Давлат дастурига мувофиқ, бу йил кўчатчиликка ихтисослашган 18 та ўрмон хўжалиги ташкил қилинади. Уларда "илм-лойиҳа-амалиёт" тамойили асосида генетик селекция ишлари кучайтирилиб, плантациялар кенгайтирилади. "Яшил олам" платформаси ишга туширилиб, кўчатларни онлайн сотиб олиш йўлга қўйилади.

Ўртимизнинг барча жойларида Наврўз айёми кўтаринки руҳда қутиб олинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Бектемир тумани Роҳат маҳалласига ташриф буюриб, байрам сайлида ҳам қатнашди.

Хизмат кўрсатиш ва савдога ихтисослашган маҳаллада 4 минг нафар аҳоли яшайди. Бандлигини таъминлаш бўйича янги тизимга муносиблик иштирокида маҳалланинг ички имкониятлари юзага чиқарилмоқда.

Таҳлил ва таклиф

СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БЎЙИЧ ТОВАЛАШ:

шакллари, сабаблари ва жавобгарлик чоралари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Солиқ тўлашдан бўйин товлашда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини ноқонуний камайтириш ёки улардан қочиш учун қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида қилган ҳаракатлари назарда тутилади. Бу жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳаракат ҳисобланади.

Олимларнинг фикрича, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш каби мажбуриятни бажармаслиқнинг икки тури мавжуд. Биринчиси, қонуний – тўламаслик; иккинчиси, ғайриқонуний – бўйин товлаш, яъни солиққа оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишдир.

Солиқларни қонуний жиҳатдан тўламаслик – солиқ тўловчининг тегишли бюджетларга солиқ ёки бошқа турдаги мажбурий тўловларни камайтиришга қаратилган, формал-ҳуқуқий нуқтаи назардан солиқ қонунларини

бузмайдиган ҳаракатларини англатади. Ушбу ҳолатда давлат томонидан айрим тоифалардаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзлари яратиб бериллади.

Бу жараёнда солиқларни мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мақбуллаштириш деганда, солиқ тўловчининг изчил қонуний ҳаракатлари, шу жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланган барча имтиёзлар ва бошқа ҳуқуқий воситаларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига солиқ мажбуриятлари миқдорини камайтириш тушунилади.

Солиқ ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи ҳаддан ташқари қаровдорлиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради.

Фикримизча, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш усулларини қуйидаги тарзда туркумлаш мақсадга мувофиқ:

· даромадларни яшириш – корхона ёки фуқаро ўз реал даромадларини

декларацияда акс эттирмаслиги;

· қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш – сохта ҳисоб-фактураларни ёки молиявий ҳисоботларни тақдим этиш;

· солиқ имтиёзларидан ноқонуний фойдаланиш – фақатгина имтиёзга эга бўлган субъектларга берилган имтиёзларни ноқонуний равишда таллаб қилиш;

· яширин иқтисодиёт, яъни "қора бозор" фаолияти – давлат органларидан аширин ҳолда товарлар ва хизматлар кўрсатиш.

Ўз навбатида, солиқдан бўйин тов-

лашнинг жиноий оқибатлари қуйидагиларни, яъни:

· давлат бюджетига зарар етказиш;

· иқтисодий ноаниқлик ва яширин иқтисодиётнинг ўсиши;

· корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида нопок рақобатни келтириб чиқариш;

· жиноий жавобгарлик ва молиявий жарималар каби омилларни ўз ичига

олади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашга қарши курашнинг бир қанча самарали усуллари мавжуд. Жумладан:

· солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рақамлаштириш;

· солиқ тўловчиларни қонуний ҳаракат қилишга рағбатлантирувчи механизмлар яратиш;

· солиқ органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигини кучайтириш;

· жамоатчилик назоратини ошириш ва аҳоли ўртасида солиқ маданиятини ривожлантириш ана шундай самарали усуллар қаторига киради.

Шундай қилиб, солиқдан бўйин товлаш нафақат давлат иқтисодиётига зарар етказиши, балки мамлакатдаги тадбиркорлик муҳити ва ижтимоий барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат органлари бу иллатга қарши қатъий чора кўриши лозим. Хусусан, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий савдохонлигини ошириш, солиқ тўлаш тизимини соддалаштириш ва шаффофлаштириш орқали бу муаммони янада қулай ҳамда осон ҳал қилиш мумкин.

Қонун кўмаги

Қариндошлар

олиб, уй-рўзгор эҳтиёжларига сарфлаб келган. Турмуш ўртоғи Н.Хўжаниёзова эса, Қрим ҳудудидagi нотинчлик боис ўз вақтида уйига қайтиб келолмаган. Аммо Ё.Хўжаниёзов бунини оилани бузишга қаратилган ноҳўя ҳаракатга йўлдан, қарши тарафнинг муносабатини кутмаёқ орадаги никоҳни бекор қилиш учун судга мурожаат қилган. Шу ўринда Ё.Хўжаниёзов хонадонидagi оилавий можаролар суднинг дастлабки босқичида муҳокама этилганини алоҳида эслатиш зарур.

Мазкур босқич суднинг 2023 йил 14 ноябрдаги ҳал қилув қарорига биноан, даъво асосли, деб топилган. Орадаги никоҳ бекор қилинган. Ё.Хўжаниёзов ўтган йил баҳор чоғи дастлабки босқич судига яна мурожаат қилиб, юқорида исм-шарифлари келтирилган фуқароларнинг ўзига қарашли мерос уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топишни сўради. Мазкур суднинг, юқорида қайд этилганидек, ҳал қилув қарори ана шу мурожаат асо-

сида қабул қилинди. Бироқ шу орада низолашувчи тарафларнинг ҳаётига дахлдор бошқа бир муҳим воқеа ҳам юз берди. Вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича кассация ҳайъатининг 2024 йил 25 июлдаги ажримига мувофиқ, дастлабки босқич судининг эр-хотин ўртасидаги никоҳни тугатиш юзасидан 2023 йил 14 ноябрдаги ҳал қилув қарори бекор қилинди. Никоҳ ўз кучида қолди.

Н.Хўжаниёзова 2024 йилнинг март ойида Хоразмга қайтиб келди. Бироқ бу хонадоннинг эшиклари энди унинг учун ёпиқ эди. Аммо шундай бўлса-да, у қарийб ярим асрлик умрини бағишлаган уйини тарк этмади. Шу ерда қолди. Аммо бу узоққа чўзилмади, адоғи қуринмайдиган галва, можаролар боис 2024 йил 20 апрелида эрига қарашли уйни тарк этди ва бунгача ота уйдан қўл силтаб чиқиб кетган кизи Д.Хўжаниёзованинг хонадонидан бошлана топди. Аммо у қўл қовуштириб, қараб турмади.





Байрам шукуҳи

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дейлик, хитойлик савдогару сайёҳлар Самарқанд ва Фарғонада ўтган Йилбошининг кутиб олинишини кузатар экан, ажабланиб, шундай қайтлар қолдирган: «Фарғонанинг одамлари қизиқ экан, улар Наврўзда иккига бўлиниб уришар экан». Аслида, бу маросим кўклам ва қишнинг тимсолий курашидир.

Халқимиз қадимдан ёз бетинида қиш, қиш замирида ёз етилиб туғилади, табиат қиш ва ёзнинг мавсумий «улиб-тирилиши» давомидида узлуксиз айланади, деб ташушган, талқин этган. Шу боис ҳар бир мавсумнинг бошланиши ва якуни байрам қилинган.

Наврўз — янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, кут-баракка, ободлик ва фаровонлик рамзи. Шунинг учун ҳам, халқимиз деҳқончиликка киришиш, чорвани қишловдан олиб чиқишда ҳам алоҳида маросимлар ўтказган.

Наврўз — кун билан тун тенг келган вақт, янги йилнинг қопқаси. Аждодларимиз қуёш, ой, юлдуз каби осмон ғиритқичлари ҳаракатини кузатиб, фасллар алмашинуви ҳақидаги мукамал билимларни бизга мерос қолдирган. Халқимизнинг бу байрам билан боғлиқ барча билим ва тасавурлари турли театрлаштирилган сахна ва рамзлар воситасида ифодаланган.

Йилбоши сабоқлари

Бунда қиш ва ёз кураши, давра алмашиши кутблари аниқланган.

Наврўз кунларида халқимиз табиат билан узвийлигини, ўзини унинг ажралмас бир қисми сифатида янада теран ҳис этган; она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини қадрлаб, шукрона келтирган.

Ўзбек халқ қўшиқларида асосан табиат фаслла-

ри, энг аввало, қиш ва баҳор кураши айрилган та-

соидиф эмас.

А ж д о л л а р и м и з т у н д а н с ў н г к у н , қ и ш д а н с ў н г баҳор к е л и ш и н и з з а г у л и к т а н т а н а с и с и ф а т и д а о р з и қ и б к у т т а н .

Янги куннинг тезроқ яхши бўлиб келишини алқаб, қўшиқлар куйлаган. Зеро, янги фасл — янги умидларнинг куртак чиқариши, янги бир авлоднинг ҳаётга кириб келиши. Шундай қўшиқлардан бирини эслайлик:

Ёмғир ёғалоқ,
Момо тугалоқ,
Ёмғир тинганда,
Чиқар камалоқ.

Бу мисралар тўғридан-тўғри ўқилса, мантисиздек кўринади. Аммо коса тағидидаги нимкоса аниқланса, тимсоллар тилсимми ечилса, бетаквур тасаввур хосиласи қалбимизни ҳайратга солади.


«Ёмғир ёғалоқ» — қору ёмғир кўп ёғмоқда. Чунки бу «момо»нинг, яъни қиш қилласи рамзи бўлган Аямажузнинг иши. Лекин ёғингарчилик, совуқ, қархатон тез орада тинади: «момо туғалоқ» — қиш ҳомиладор, ундан Наврўз кунини янги фарзанд (янги ҳаёт) — баҳор туғилади. Ёғингарчилик тиниб, кўклам тантана қилади. Бу ғалаба рамзи сифатида самодда камалак бўй кўрсатади, инсон борлигидаги эзгу кучлар ҳаракатга келади, янгилик (кўклам)

ўтишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилган. Эзгуликка интиланган халқ — буюк халқ. Бундай миллатнинг ҳаёт мазмуни, олам ва одам уйғунлиги ҳақида ўз фикри бор, тараққиёт ва фаровонликка элтадиган ўз йўли бор.

Халқимиз Ерни — она, Қуёшни бобо, дейди. Чунки қуёш — ҳаёт асоси: жами тиллаба рамзи сифатида самодда камалак бўй кўрсатади, инсон борлигидаги эзгу кучлар ҳаракатга келади, янгилик (кўклам)

боис халқимизнинг Наврўз байрами билан боғлиқ билим ва тасавурларида қуёшга интилиши, нурга талпиниши билан боғлиқ азалий эзгу анъаналари мужассам.

Жиззах вилоятида Хўтош деган жой бор. Бу тошнинг мўъжаз ва сирли туйнуғи бўлиб, фақат Хўт ойи кирганда



қуёш нурлари шу туйнуқдан ўтар экан. Ёки Фарғонадаги қоятошдан бошида нур тараётган қуёшли одам ва унинг атрофида рақса тушаётган 12 киши акси (бир йил ва ўн икки ой) тасвирлари топилган. Нурота шевасида қуёш йўли манзилларининг тўхташ нуқталари «қўрут» деб аталган. Қўрут — ёруғлик, нур дегани.

Ёки миллий сўзана ва папаларимиздаги қуёш, ой тимсолларини ифодаловчи доиралар сони, ички ҳалқалар, улардаги «ёл»лар — халқимиз қуёш ва ой фазалари ҳақида мукамал билим, тасаввур ва дунёқарашига эга бўлганидан далолатдир. Масалан, Самарқанд

вилоятининг Қўшработ туманидаги Қўштамғали қишлоғида Назокат моом Ором қизи 1968 йили бир жуфт сўзана тиккан. Уларнинг бирида қуёш гуллари нақшидаги «ёл»лар доира чизигининг сирти ва ичида бодом барги шаклида алоҳида-алоҳида жойлаштирилган. Иккинчисида қуёш гули нақши сифатида доира ташқарисида турибди, доирадан атрофга узлуксиз нур таратиб, порлагандек туюлади. Бунда сўзана доирасидаги ички, ташқи «ёл»лар доирани гоҳ ўнгга, гоҳ чапга айланаётгандек таассурот уйғотади. Бу тимсоллар ниманинг ифодаси? Нега каштачи икки сўзанада қуёш гуллари икки хил ифода этган. Бу саволларга қуёшнинг шафақдан чиқиши ва уфққа ботишини кузатиб, жавоб топдик. Қаранг, чекка бир қишлоқда ўрта мактабдан бошқа таълим олмагани оддий аёл қуёш ҳаракатини кузатиб, унинг фазаларини кашта нақшларида шунчалар аниқ ифодалаган.

Маросимлар, байрамлар, удумлар одамнинг ўзини англаш жараёнида пайдо бўлган, ривожланган, яхлит тизимга келган маросимлари инсоннинг билимларини аждоддан авлодга етказувчи хотиранинг ўзига хос бир шакли бўлиб хизмат қилган. Чунончи, Наврўзни англаш — инсон ўзини ўзи англашнинг бир йўли. Инсон табиатини англашга интилади ва уни билиш асосида ўзлигини кашф этади. Чиндан ҳам, Наврўз байрамнинг ўзақ моҳиятини ушбу англаш ва кашф этиш ташкил қилади.

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология
фанлари доктори

Дунёга машҳур ёзувчи Агата Кристининг номини китобхонларга таништиришга ҳоҳмат бўлмасда керак. Чунки ёзувчи дунё адабиёти ихлосмандлари томонидан, ҳақли равишда, детектив жанрининг ёрқин намоёндаларидан бири сифатида эътироф этилган. Ҳақиқатан ҳам, ёзувчининг чуқур ҳаётий фалсафа, ақл бовар қилмайдиган саргузаштлар ўзининг юксак бадиий ифодасини топган ҳар бир асарини узоқ йиллардан буён ўқувчилар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.



Айниқса, ёзувчи қаҳрамонлари Эркюль Пуаронининг мураккаб жиноятларини очишдаги маҳорати ёки Марпл хонимнинг воқеалар ривожига фаол иштирок этиши, фавақулда ақл-заковати кишини ҳайратга солмай қолмайди. Бундан ҳам муҳими шундаки, Агата Кристи асарини неча инсонни муқаррар ўлимдан сақлаб қолган.

Бу ҳақда батафсилроқ фикр юритадиган бўлсак, Агата Кристининг «Оқ от вилласи» номли романида заҳарли модда — таллийнинг инсон саломатлигига ўта хавфли таъсири ҳақида фикр юритилган. Ушбу асар нашр этилган, ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди, роман тез орада дунёнинг турли тилларига таржима қилинади ва машҳур бўлиб кетади.

1977 йилда Лондондаги шифохоналардан бирига Қатар давлатидан оғир ахволдаги Наля исми қизчани олиб келишади. Қизчанинг аҳоли, ҳақиқатан ҳам, ўта оғир эди: у ўлим билан олишар, буткул ҳолдан тойганидан қийналиб базур нафас оларди.

Бундан ҳам ёмони шунда эдики, шифокорлар қизчанинг ҳаётига қандай дард давлати солаётганини топа олмай боши қотар, унга барча зарур муолажаларни қўллаб кўришган, бироқ ҳеч қайси уриниш фойда бермаган, қизчанинг юзидаги ҳаёт шуъласи тобора сўниб борарди.

Орадан беш кун ўтганига қарамай қизчанинг ахволда бирон-бир ижобий ўзгариш рўй бермади ва буткул чорасиз қолган шифокорлар ундан умидини узишади.

Буни қарангки, шифохондадаги ана шундай таҳликали ва оғир кунларда кутилмаганда мўъжиза рўй беради ва норасида қизчани қандай дард безовта қилаётгани бахтли тасодиф туфайли маълум бўлади.

Гап шундаки, шифохондада ҳамшира вазифасида ишлайдиган Марша Майтленд тунда касал қизчанинг боши устида навбатчилик қилиб чиқади. Ҳамшира ўша тунда азбаройи ухлаб қолмаслиги учун Агата Кристининг «Оқ от вилласи» романини ўқиб ўтирган. Китобда таллий металидан кучли заҳарланиш оқибати ва шунга доир бир қатор текширув ишлари ба-тафсил ҳикоя қилинган. Ҳамшира романи қизиқиш билан ўқирган, туйқус кўзи тўшақда жонсиздек қимир этмай ётган бемор қизчага тушадию, бирдан онг-шуури ёришиб кетади. Чунки романда ёзувчи худди тўшақ-

Акмал Мирзахонов,
жиноят ишлари бўйича
Шаёхонтоҳур тумани суди судьяси
Жаҳонгир Саидов,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек тумани суди
тергов судьяси

Интернет материаллари асосида
Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Тез орада улар ўртасида мустақкам ишонч пайдо бўлди. Шу боис Эркин ака ўткирнинг ижарада туришини эшитган, уни уйига яшашга таклиф қилди. Шундан сўнг ўткир ҳовлида яшай бошлади.

2019 йилнинг охиридаги келиб, ўткир махсус курсда ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди ва Эркин аканинг ҳовлисига турган носоз автомашинани бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотиб олди.

Шундан сўнг орадан ўтган 5 йил ичида улар бир-бири билан янада қадрдон бўлиб кетишди.

2024 йилнинг кузида ўткир Чирчиқ шаҳрида таниши Саидни учратиб қолади. Ўзаро гурунғ чоғида ўткир Эркин ака ҳақида гапириб қолади: пули кўп экани, лекин ишлаган пулларини тўлиқ бермаганини айтиб, ёзғиради. Шундан сўнг иккаласи Эркин аканинг пулларини ўғирлаш ҳақида ўзаро жиноий режа тузишади.

Кейин эса, икковлон жиноий режани амалга оширишга киришади. Аввало, ўткир Саидга Эркин аканинг ҳовлисини ташқи томондан кўрсатади. Саид эса, ўйлиниб туриб, бу иш иккаласининг қўлидан келмаслигини, бунга таниши Ҳамдамни ҳам жалб қилиш зарурлигини айтиди. Ўткир ҳам бунга рози бўлади.

2024 йил 5 сентябрь кунини ўткир, Саид ва Ҳамдам учрашишади. Улар ўзаро тил бириктириб, Эркин аканинг ёши ўтиб қолгани, бунинг устига, эр-хотин алоҳида-алоҳида яшашини муҳокама қилишади, сўнг уйдан ўғирланган нарсаларни тенг бўлиб олишга келишади.

Эртаси кунини соат 20.00 лар атрофида ўткир билан Саид автомашинада Чирчиқ шаҳридан Чилонзор туманига етиб келишади. Уларни Ҳамдам ва унинг укаси Норбек кутиб олади. Сўнг ўткир уларни Эркин аканинг уйига бош-

● Жиноят ва жазо

БОСҚИНЧИЛАР ҚИЛМИШИ

қонуний жазо билан яқун топди

лаб келади. Ҳовли эшигини Эркин ака очади ва ўткир бегона кимсалар билан бирга келганини кўриб, бирдан азвойи бузилади. У ўткирнинг қўлига ишлаган пулининг қолган 75 минг сўмини бериб, энди кетинлар, дейди. Улар ҳовлидан чиққан, дарвозани ёпиб қўяди.

Буни кўриб, жиноий режалари чип-пака чиққанидан тўртволон баттар даргазаб бўлишади. Ўзларича Эркин аканинг ҳовлиси дарвозасини очишга уриниб кўришади, аммо бундан бирон-бир натижа чиқмайди.

Шунда Ҳамдам ғалати таклифни айтиб қолади: "Эркин акани эшикни очишга кўндириш учун қизлардан фойдаланиш керак!"

Буни эшитиб, Саид дарҳол Умида ва Севара исми таниш қизларга кўнроқ қилади. Қизлар етиб келишган, уларга жиноий режани айтишади. Аввалига қизлар иккиланишади, аммо ўғирликдан улуш олишни эшитган, рози бўлишади.

Эртаси кунини кечки пайт соат 20 ларда Ҳамдам билан Севара яна Эркин аканинг ҳовлиси қаршисида пайдо бўлишади: олдиндан келишилган режага кўра, эшик кўнроғини Севара босади. Кутилганидек, эшикни Эркин аканинг ўзи очади.

Аммо у нотаниш кишиларга кўзи тушиб, бирдан азвойи ўзгаради ва бақирчақир қилиб, бу ердан кетишни талаб қилад бошлади. Шу пайт Ҳамдам вазиятдан фойдаланиб, Эркин акани ҳовли ичкарасига судраб олиб киради-да, унинг юзига бир неча марта мушт туширади: уй эгаси бу зарбларга бардош бера олмай ҳушидан кетади. Шундан

сўнг у шерикларига кўнроқ қилиб, тезда етиб келишни буюради. Шериклар етиб келишган, Умида билан Севара автомашинада қолади, қолганлар босқинчиликни амалга ошириш учун ичкарига киришади. Босқинчилар бир зумда ҳаммаёқни тинтиб чиқишади. Улар ертўлага тушишганда, сейфга кўзалари тушади. Аммо сейф қўлфланган, уни очилишига иложи йўқ эди. Шу боис босқинчилар Эркин акадан сейфнинг калитини беришни талаб қилишади. Эркин ака эса, ҳеч нарсаи айтмайди. Шу пайт Ҳамдам қўл телефони ёритгичини ёқиб, нариги хонага ўтганида, қандайдир аёлга кўзи тушади. Аёл қаттиқ кўрқувга тушгандан дағ-дағ қалтирарди. Ҳамдам уни кўрган заҳотиёқ бирдан дўқ уради, бойлигини беришни талаб қилади. Буткул кўрқувга тушиб қолган аёл шоша-пиша сумкасида 500 АҚШ доллари ва 700 минг сўмини чиқариб беради.

Шундан сўнг Ҳамдам аёлдан сейфнинг калитини топиб беришни талаб қилади. Аёл буткул саросимага тушган кўйи калит қаерда сақланишини билмаслигини айтиди. Шунда Ҳамдам аёлнинг қўлидаги тилла билакузукка кўзи тушиб, уни ҳам тортиб олади.

Айни шу пайт Ҳамдамнинг укаси Норбек ҳовлиқан кўйи Эркин ака ҳушига келгани ва кўчага қочиб чиққанини айтиб қолади. Буни эшитиб, босқинчилар бирдан ҳушёр тортишади ва шоша-пиша воқеа жойидан ғойиб бўлишади.

Эртаси кунини Ҳамдам "Авиасозлар" бозорига бориб, босқинчилик йўли билан қўлга киритган тилла билакузукни

нотаниш аёлга 10 миллион сўмга сотиб буюради.

Ўткир билан Саид эса, Чирчиқ бозорида ўғирланган тилла тақинчоқларни сотаётган маҳал ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади.

Умуман айтганда, босқинчилар жабрланувчиларга жами 60.727.600 сўм миқдоридида моддий зарар етказишган эди.

Бундан ташқари боқинчилар суд-тиббий экспертиза хулосасига қўра, жабрланувчи Эркин Шамсиевга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказишган.

Судда айбланувчилар қилмишларига иқор бўлиб, пушаймонлик билдиришди. Суд "жиноятга жазо — муқаррар" тамойилга қатъий амал қилди. Бинобарин, ўткир Ҳасанов, Саид Турсунов ва Ҳамдам Тўйчиевлар Жиноят кодексининг 164-моддаси ва 127-моддаси тегишли бандлари билан айбдор деб топилди, узил-кесил — 11 йил, ушбу жиноий қилмишнинг бошқа қатнашчиларига эса, 7 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида айтганда, ўзганинг мулкига таъвоуз қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган. Чунки биронинг ризқ-насибаси бошқа биронга буюрмайди. Ушбу муҳим жиноий қилмиш иштирокчилари ҳаётининг шу ҳақиқатини вақтида англаб етганларида гулдек умрини темир панжара ортида ўтказишга мажбур бўлишмасди. Демак, ҳаётда инсонни фақат ҳалоллик улуғлайди, нопок қилмиш эса, бадном қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Акмал Мирзахонов,
жиноят ишлари бўйича
Шаёхонтоҳур тумани суди судьяси
Жаҳонгир Саидов,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек тумани суди
тергов судьяси